*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил **3 июнь** ШАНБА

**№ 45** (12993)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# РАВОН ЙЎЛЛАР ОБОД МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТАДИ

*Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 февралдаги "Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида замонавий транспорт оқими шароитларида автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, янги йўллар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини уйғунликда ҳал этиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.*



## Бунёдкорлик

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида вилоятимизнинг марказий йўлларидан бири бўлган Тошкент – Тўйтепа катта автомобиль йўлининг 17,5-26,5 километрлик қисми капитал таъмирланиб, кенгайтирилмоқда. Шунингдек, ички йўллар ҳам машина қатновига мослаб тартибга келтирилмоқда.

Қарийб бир ойдан буён жадал суръатлар билан давом этаётган йўл қурилишида "Тошкент кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонасининг 200 дан ортиқ ишчи-мутахассислари меҳнат қилмоқда. Умумий узунлиги 55 километр бўлган автойўлнинг таъмирланаётган 9 километрлик қисмида ишни янада жадаллаштириш мақсадида 60 та қурилиш техникаси жалб қилинди. Лойиҳага кўра, автомагистрални реконструкция қилиш ва янада кенгайтириш жараёнида мустаҳкам, оғирлик ва босимга чидамли асфальт қопламалари ёткизилмоқда.

– Бу каби транспорт қатнови юқори бўлган автомобиль йўлларини кенгайтириш ва реконструкция қилишда қурилиш материалларининг сифатига, айниқса, катта эътибор берамиз, – дейди қурилиш корхонаси бош муҳандиси Акмал Ашуров. – Тупроқ қазиш, минглаб тонна шағал ва асфальт ётқизиш, шунингдек, одамлар ва юқори қувватда ишлайдиган техникалар жалб қилинадиган бундай қурилиш ишлари кўп меҳнат сарфланадиган жараён эканини ҳисобга олган бунёдкорларимиз ўз ишларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ масъулият билан ёндошмоқдалар.

Шунингдек, йўлларнинг таъмирланаётган қисмида 5 та кўприк мавжуд бўлиб, замонавий андоза бўйича қарама-қарши автомобиль йўлларида пиёдалар учун махсус йўлаклар қурилиши ҳам режага киритилган.

– Мамлакатимиз ҳудудидан 20 дан ортиқ халқаро йўналишлар ўтади, – дейди қурилиш раҳбари Толибжон Ҳусаинов. – Айниқса, йўловчи ва юкларнинг катта қисми ички автомобиль йўллари орқали ташилмоқда. Зотан, автойўллар юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида асосий ўрин тутади.

Йўлсозларнинг шижоати туфайли кенг ва равон йўллар тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур автомобиль йўлининг кенгайтирилиши натижасида транспорт қатнови икки баравар ортиб, тирбандликка барҳам берилади.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

## Бизнинг шарҳ

*Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунёда 800 миллиондан зиёд одам тўйиб овқат емаслик ва очликдан қийналмоқда, шунингдек, ҳар йили хавфсиз бўлмаган озиқ-овқат истеъмоли оқибатида 2 миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юммоқда. Энг ачинарлиси, улар орасида болаларнинг кўплигидир...*

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ

Бу рақамлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ер куррасининг турли нуқталарида юз бераётган сиёсий инқирозлар, терроризм, одам савдоси, уруш ҳаракатлари, иқтисодий бўҳронлар, тез юқувчи ўткир касалликлар эпидемияси, оммавий миграция сингари энг глобал муаммолар қаторидан жой олиб улгурганидан далолат беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг таркибидаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли бирлашмалар ҳам бир неча йиллардан буён озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш орқали халқаро майдонда вужудга келган очлик ва қашшоқликни босқичма-босқич бартараф этиш учун курашмоқда. Хусусан, БМТ ташаббуси билан 1996 йилда қабул қилинган "Бутунжаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги Рим декларацияси" ҳамда 2000 йилдаги "Мингйиллик декларацияси" ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги – кенг қамровли тушунча бўлиб, энг аввало, аҳоли эҳтиёжини физиологик меъёрларга мос равишда истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашни англатади. Кейинги пайтда дунё аҳолиси сони ва одамларнинг эҳтиёжи муттасил ошиб бораётгани сари озиқ-овқат саноати қанчалар ривожланмасин, талабларни тўла қондириб бўлмаяпти. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имконига эга бўлмаган мамлакатлар иқтисодиёти жиддий зарбага учрамоқда. Чунки, давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига боғлиқдир.

Шундай мураккаб жараёнда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат каби Ўзбекистон учун ҳам энг долзарб вазифалар сирасига киради. Зеро, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас бўғинидир.

Мамлакатимизда озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга истиқлолнинг илк кунларидан давлат сиёсати даражасида эътибор берилади. Собиқ иттифоқ даврида мамлакатда пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олгани, серҳосил далалар ва янги очилган ерларнинг бари пахта майдонларига айлантирилгани, иқтисодиёт бир ёқлама олиб борилгани ва бу бузғунчи сиёсат бир неча ўн йиллар давом этгани таъсирида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳолининг турмуш тарзи жуда пасайиб кетганди. Мустабид тузумнинг сўнгги йилларида ва мустақилликнинг илк даврида жамият озиқ-овқатнинг ўткир тақчиллигига дуч келди. Ўрта ёшдаги ва кексалик гаштини суриб юрган ҳамюртларимиз бундан 25-30 йил аввал, маҳсулотлар аҳолига талонлар асосида, рўйхат билан ўлчаб берилгани, уни олиш учун ҳам кун бўйи турнақатор навбатларда турилгани, кўпинча одамларга маҳсулот етмай қолганини яхши эслайдилар, албатта. Ўша пайтдаги маҳсулотларнинг тури ва сифати борасида гапирмаган маъқул. Чўнтагида пули бор одамларнинг оддий маҳсулотларни дўкон пештахталаридан тополмагани ҳам айни ҳақиқатдир.

Давоми 3-бетда.

## Вилоят ҳокимлигида

*Тўйтепа шаҳрида Тошқинга қарши вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, молия, мудофаа бошқармалари, шунингдек, комиссия фаолиятига алоқадор бошқа ташкилот ва муассасалар вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирок этдилар.*

*Йиғилишни вилоят ҳокими Шукурулло Бобоев бошқарди.*

# МАХСУС КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Қайд этилганидек, дарё, сойларнинг ўзанлари ва қирғоқларида, гидротехника иншоотларида муҳандислик-техник ва бошқа ҳимоя тадбирларини амалга ошириш учун Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси қарори билан кенг кўламда чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, айни пайтда бу йўналишда изчил ва комплекс вазифалар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси бўйлаб 11 та хавфли участкада алоҳида ҳимоя ишларини кучайтириш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ва дамбалаш ишларига махсус техника, куч ва воситаларни тўла сафарбар этиш, жараёнда махсус тактик ўқув-машқини ўтказиш, аҳолини хавфли ҳудудларга йўлатмаслик, шунингдек, улар орасида фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракатланиш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш масалалари хусусида сўз бориб, мутасадди идора ва ҳудуд раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Рустам Жўраев сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТАЪТИЛ ҚУВОНЧЛАРИ ЙИЛГА ТАТИСИН

*Ёзги таътил кунларида фарзандларимиз сўлим тоғлар бағридаги оромгоҳларда яйраб дам олиш билан бирга, турли маданий-маърифий тадбирлару кўнгилочар томошаларда фаол иштирок этиб, билим ва маънавий тафаккурларини ошириб борадилар. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларидаги кундузги оромгоҳ ва ёзги спорт-соғломлаштириш майдончаларининг фаолияти ҳам самарали йўлга қўйилган.*

## Болалар ёзи – 2017

Айни кунда вилоятимиздаги 160 та умумтаълим мактабида 17 минг 600 ўқувчи учун кундузги оромгоҳлар ташкил этилди. Шу билан бирга, деярли барча мактабларда ёзги спорт-соғломлаштириш майдончалари фаолият кўрсатмоқда.

Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактабида вилоят ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бошқармаси ташкил этган семинарда умумтаълим мактабларидаги кундузги оромгоҳлар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, болаларнинг бўш вақтларини оқилона ташкил этиш уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Зеро, вақтини фойдали машғулотларга сарфлаган болалар ўқув йилини янги ғайрат, янги куч билан бошлашлари ва дарсларни тўлиқ ўзлаштиришлари аниқ.

Семинар давомида иштирокчиларга оромгоҳлар фаолиятини йўлга қўйиш ва эътибор қаратилиши лозим жиҳатлар хусусида тавсиялар берилди. Хусусан, мазкур мактабда ташкил этилган оромгоҳ намунали экани эътироф этилди.

– Кундузги оромгоҳлар болаларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши билан бирга ишловчи ота-оналарнинг кўнгил хотиржамлигини ҳам таъминлайди, – дейди мактаб директори Ибодулла Бобожонов. – Бу ерда болалар турли машғулотлар билан банд бўлади. Сузиш ҳавзаси, ранг-баранг концерт дастурлари мазмунли ҳордиқ учун хизмат қилади.

Ёзги спорт-соғломлаштириш майдончаларида эса турли тўгараклар фаолият юритади. Хусусан, ушбу мактабда "Инглиз тили", "Компьютер саводхонлиги", "Мусиқа", "Рақс" "Амалий санъат", "Шахмат ва шашка", "Футбол", "Волейбол" каби бир нечта тўгарак ишлаб турибди. Шунингдек, семинар-тренинглар, спорт мусобақалари, машҳур кишилар билан давра суҳбатлари уюштирилади.





**Фарҳод ТОЛИПОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.*

**Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни**

# «БИЗ НИМАГА ҚАРШИ КУРАШАЁТГАНИМИЗНИ БИЛИШИМИЗ ЗАРУР»

***Оҳангаронда бўлиб ўтган йиғилишда воқеликка ана шундай ёндашиш зарурлиги қайд этилди.***

Айни пайтда давлат ҳокимияти ва бошқа барча бошқарув идораларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассаса ва ташкилотларда, хусусий секторда ҳар ҳафтанинг пайшанбаси алоҳида аҳамиятга эга сана – келажакнинг ширин ташвиши, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга чорлов йўсинидаги суҳбатлар, мавзуга доир муҳокамаю мунозаралар куни сифатида ўтказилаяпти.

Оҳангаронда бўлиб ўтган бу галги профилактика тадбирида вилоятимиз ҳокими Шукурулло Бобоев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Саидкарим Нишонбоев, вилоят прокурори ўринбосари Содиқжон Бердиалиев, туман ҳокими Рустамжон Убайдуллаев, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳокими мавзу юзасидан фикр билдирар экан, энг муҳими, одамларнинг кайфиятини кўтариш, давлатга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига нисбатан заррача бўлса ҳам шубҳага ўрин қолдирмасдан ишлаш зарурати ҳақида сўзлади.

Давоми 2-бетда.

# ЕТТИ КУН САРҲИСОБИ

*Вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни доирасида навбатдаги брифинг ўтказилди. Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, содир этилган жиноят, суд ва тергов жараёнларига доир ҳолатлар юзасидан атрофлича маълумот берилди.*

Жумладан, шу йил 25 майдан 31 майга қадар вилоят ҳудудида 85 та жиноят қайд этилган. 76 та жиноят "изи йўқолмасдан" фош этилиб, тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Фош этилмаган ўғрилик, босқинчилик, транспорт воситасини олиб қочиш ҳамда талончилик каби қонунбузарликлар бўйича айбдорларни қидириб топиш ва уларни қонун доирасида жавобгарликка тортиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, қидирувда юрган жиноятчи шахсларнинг 18 нафари қўлга олиниб, 8 та жиноят фош этилди.

Турли ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. Шу билан бирга муқим яшаш жойи йўқ ва маълум бир фаолият билан шуғулланмаётган шахслар аниқланиб, реабилитация марказларига жойлаштирилди.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари иштирокида вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг давомати ўрганилди. Тадбир давомида таълим муассасаларида таҳсил олаётган 120 минг 717 нафар ўқувчидан 759 нафари дарс ва машғулотларга қатнашмаётгани аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Мазкур муаммо юзасидан бевосита жойларга чиқилиб, ота-оналар билан суҳбатлашилди.

Давоми 2-бетда.

**Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни**

# «БИЗ НИМАГА ҚАРШИ КУРАШАЁТГАНИМИЗНИ БИЛИШИМИЗ ЗАРУР»





Профилактика нозирлари, маҳалла фаоллари, мутасадди идоралар шуни чуқур англаши зарурки, айни жабҳада давлатимиз томонидан илгари сурилаётган янгича қарашларнинг, сиёсатнинг моҳияти шундаки, биз шунчаки очиқ-ойдин кўзга ташланиб турган жиноятчиликнинг ўзигагина қарши курашмаяпмиз. Балки ҳали содир этилмаган, бироқ, жиноятчилик содир бўлишига етилиб келаётган ҳолатлар эътиборимиз марказида бўлиши зарур. Демакки, кўзга кўринмас душманга қарши иш олиб бораяпмиз. Бу борада эса маърифат йўли, юксак маданият ва ақлга таянган тарғиботгина муайян самара бериши мумкин, дея таъкидлади вилоятимиз раҳбари.

Тадбирда қайд этилганидек, жиноятчиликка қарши курашиш вазият содир бўлгандан кейинги хатти-ҳаракатлар билан ўлчанмаслиги керак. Бинобарин, жараён шундайки, ҳуқуқбузарликларга қарши изчил ва таъсирли, самарали кураш олиб борилмас экан, бу борада ҳеч қандай наф бўлмайди.

Йиғилиш давомида туманда жиноятчилик динамикасининг жорий ҳолати ўтган йилларга қиёсан танқидий таҳлил қилинди. Унга кўра, соҳа вакилларининг олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида, бир қатор йўналишларда, хусусан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши, безорилик, ўғирлик, аёллар жиноятчилиги борасида сезиларли камайиш кузатилган. Бироқ, айни воқеликни таҳлил қилган вилоят прокурори ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Содиқжон Бердиалиев қайд этганидек, бошқа айрим йўналишларда, айтайлик, давлат ташкилотларида ишловчи ходимларнинг ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолати ўтган йилга нисбатан кўпайгани профилактика бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишга эҳтиёж борлигидан дарак беради.

Ўз жонига қасд қилиш, бировнинг ҳаётига чанг солиш каби ўта оғир ижтимоий-маънавий ҳамда ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўладиган ҳолатлар ҳам давра иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Йиғилиш давомида кун тартибидаги масалалар бўйича Оҳангарон тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Н. Йўлдошева, туман прокурори Ғ. Муҳамедов, ИИБ бошлиғи С. Ибрагимов, шунингдек, МФЙ раисларининг ахбороти тингланди ва жойлардаги вазият фаоллар иштирокида атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилиш давомида қайта ва қайта таъкидланганидек, бутун республикамизда бўлгани каби Оҳангарон туманида ҳам жиноятчиликка қарши курашиш барча соҳа вакиллари учун ўта муҳим ва долзарб вазифа, муқаддас бурч даражасига кўтарилиши шарт. Бу шунчаки гап эмас, давр талабидир. Бинобарин, эндиликда ташкилот ва муассаса раҳбарларидан, туман фаолларидан, кенг жамоатчиликдан, умуман, барча-барчадан талаб ҳам ана шу мантиққа кўра, янада ортиши муқаррар.

**Беҳзод ҚОБУЛОВ.**

Бошланиши 1-бетда.

**Шукурулло БОБОЕВ, вилоят ҳокими, сенатор:**

– Бир инсон умр бўйи меҳнат қилиб, рўзғор харажатларини тежаб, маълум сармоя йиғсаю, кейин уни бир муттаҳам ўмариб кетса, хонавайрон бўлган одамнинг маҳаллага, ҳудудда фаолият олиб бораётган профилактика нозирига, туман, вилоят раҳбарларига, умуман, давлатга ишончи йўқолади. Ёки ота-она ўзи емай едириб, не-не орзу-умидлар билан катта қилган фарзанди зўравонларнинг қўлига тушиб, ори, номуси топталса, кейин ўша оила вакилларини давлатимизга садоқат билан, зўр кайфиятда меҳнат қилишини тасаввур қила оласизми?.. Шу боис, эндиликда одамларнинг ишончини суиистеъмол қилишга, ҳадик-хавотир билан яшашига йўл қўйиб бўлмайди. Йил якунига кўра, жиноятчиликнинг ўсиш динамикаси кескин пасаймас экан, барча чора-тадбирларимиз бесамар кетган бўлади. Таъбир жоиз бўлса, агар биз душманни билмасак, танимасак, у билан курашда кутилган ғалабага эришишимиз қийин. Шу боис, бизга умумий профилактика, шунчаки кампаниявозлик эмас, аниқ, манзилли профилактика зарур. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада мавжуд "хонадонлар паспорти"ни яратишимиз, қайси оиладан нима кутиш мумкинлигини билишимиз ва ҳаракатни шунга қараб йўналтиришимиз керак. Шу боис, маҳалла, таълим муассасаси, ҳудудда фаолият кўрсатаётган нозирлар қўлни қўлга бериб, янгича усул ва воситалар билан, маҳаллий шарт-шароитни инобатга олиб, барча чораларни кўришимиз шарт!..

## ЕТТИ КУН САРҲИСОБИ

Бошланиши 1-бетда.

Юқорида қайд этилган ва рўйхатга олинган барча ҳуқуқбузарликлар юзасидан бевосита прокурор, ички ишлар идоралари раҳбарлари иштирокида 12 та маҳаллада жиноят содир қилган шахснинг яшаш жойида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, вилоятдаги давлат бошқаруви органлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари, маҳаллий кенгаш депутатлари, "Камолот" ЁИҲ, "Нуроний" жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари содир этилган жиноий ҳолатларни халқ орасида муҳокама қилишди.

Жумладан, Бўка туманида содир этилган босқинчилик жинояти фош этилиб, айбланувчиларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Ўрта Чирчиқ туманида вояга етмаганлар томонидан автотранспорт воситасини олиб қочиш ҳолати бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, болажонларнинг узоқ кутилган ёзги таътил кунларини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида ҳам ИИБ томонидан тегишли ишлар қилинмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан вилоят ҳудудидаги барча маданият ва истироҳат боғларида ташкиллаштирилган байрам тадбирларида ички ишлар ходимлари болажонларимизнинг хавфсизлигини тўла таъминлашга хизмат қилди.

– Ёз мавсумида вилоят ҳудудида жойлашган 49 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 70 минг нафардан ортиқ ўғил-қизлар дам олишлари режалаштирилган, – дейди вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Умид Кенжаев. – Ишчи гуруҳ аъзолари вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда оромгоҳларга хавф солувчи табиий омиллар, уларнинг ёнғинга қарши таъминланганлиги, ҳаракат хавфсизлиги ҳолати ва ҳудудининг атрофи ўралганлиги мониторинг қилинди. Оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари қатор тизимли ишларни амалга ошираётир.

**Лазиз ИСОҚОВ.**

*Пискент туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.*

## МАСЛАҲАТЧИЛАР КЎРИГИ

Шу куни ҳудуддаги мавжуд 27 та маҳалла фуқаролар йиғинлари орасида бўлиб ўтган саралаш босқичида юқори натижаларга эришган маҳалла маслаҳатчилари танловда 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Танлов натижаларига кўра, "Сувти" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилдора Эгамқулова ғолиб бўлди ва танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Якунда барча қатнашчиларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Гўзал ҲАМИДОВА.**

## БИТИРУВЧИЛАР ОЛИЙГОҲ МЕҲМОНИ

*Ўзбекистон Миллий университетида "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" шиори остида "Очиқ эшиклари куни" ўтказилди.*

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳаётга тайёрлаш, жамиятда ўз ўрниларини топишларига амалий кўмак бериш, умумтаълим ва олий таълим муассасалари ўртасидаги узвийликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлар илм-фаннинг инсон ҳаётида тутган ўрни, ёшлар келажакда ким бўлишмасин – хоҳ ўқитувчи, хоҳ муҳандис ёки геолог – ўз қизиқишлари, интилишлари ва орзу-ҳавасларига фақат илм орқали эришишлари мумкинлигини шахсий ҳаёт ва фаолиятлари мисолида тушунтириб ўтдилар.

Шу куни битирувчи-ўқувчилар Миллий университетнинг қатор факультетлари ва уларнинг йўналишлари билан батафсил таништирилди. Ўқиш жараёнида фаол бўлиб, барча фанларни "аъло" баҳога ўзлаштирган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари университетнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шунингдек, "Очиқ эшиклар куни"да умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини касбга йўналтиришга қаратилган тарғибот акциялари ҳам бўлиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

❑ Жараён

*Мамлакатимизда ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига янги самарали технологияларни татбиқ этишни жадаллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.*

## ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш захираларидан кенг фойдаланиш, шу аснода жойлардаги эркин иқтисодий зоналарда замонавий рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

"Ангрен" эркин иқтисодий зонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ўтказилди. Унда қатнашган қуйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, тегишли вазирлик, қўмита ва идоралар, республикада ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар ва саноат корхоналари раҳбарлари Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш ҳамда ресурслар салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлашда бундай иқтисодий зоналарнинг роли хусусида сўз юритишди. Ташқи бозорда талаб катта рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги замонавий қувватларни барпо этиш, бунинг учун ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтириш мақсадида чет эллик тадбиркорларга янги имтиёз ва преференциялар берилаётгани таъкидланди.

Айни пайтда эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган корхоналарга киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялардан ташқари, бошқа қулай шарт-шароитлар ҳам яратилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.

"Ангрен" иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Сингапур, Австрия, Буюк Британия, Болгария каби давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари ҳамкорлигида турли ўлчамдаги мис қувурлар, техник кремний, энергия тежовчи лампалар, кўмир брикетлари ва замонавий қурилиш-пардозлаш материаллари, шунингдек, шакар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ишга туширилган. Ангренга темир йўл боргани ва унинг электрлаштирилгани, водийга элтувчи автомобиль йўлининг талаб даражасига келтирилгани, шаҳарнинг марказга яқинлиги ҳамда Ангрендан пойтахтга кирмасдан мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ўтиш имконияти мавжудлиги сармоядорларнинг мазкур иқтисодий зонага бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Тадбирда ташкил этилаётган иқтисодий зоналарнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун айрим фойдаланилмаган имконият ва захираларни ишга солиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, депутатлар эркин иқтисодий зоналар хусусиятлари, бериладиган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш лозимлигига эътибор қаратди. Иштирокчилар иқтисодий зонада фаолият олиб бораётган "Ангрен қувур заводи" унитар корхонаси ва "Ўз-Присста Ресайклинг" қўшма корхонаси фаолияти билан яқиндан танишди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**А. УМАРАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ЕКАТЕРИНАНИНГ МИЛЛИЙ ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ

*Чирчиқлик Екатерина Журавлёва асли рус қизи. Лекин, ўзбек миллий қўғирчоқсозлик санъатини яхши билади. У яратган ўзбек халқ эртаги қаҳрамонлари, миллий қўғирчоқ ва ўйинчоқлар нафақат республикамизда, балки, хорижий давлатларда ташкил этилган кўплаб кўргазмаларда ҳам кенг намойиш этилган.*

❑ Ҳунармандчилик

Екатеринанинг айтишича, соф маҳаллий хом ашёдан тайёрланган, экологик хавфсиз, педагогик-психологик, санитария-гигиена ва бадиий дизайн талабларига тўлиқ жавоб берувчи миллий ўйинчоқлар болалар тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Бунинг устига табиий тупроқ ва матолардан ясалган қўғирчоқ улар саломатлиги учун мутлақо безарар. Айниқса, эгнидаги атлас матоси, сочларининг ўрими ва бошидаги дўпписи ярашиб турган бежирим миллий қўғирчоқ қиёфаси бола психологиясига ижобий таъсир кўрсатади.

– Миллий русумдаги қўғирчоқларни болалигимдан яхши кўраман, – дейди Екатерина Журавлёва. – Айниқса, чиройли, сирли, индамас, лекин доимо кулиб тургувчи образлар кишига ажойиб ҳис-туйғу ва завқ-шавқ улашади. Биз улар орқали орзу қиламиз, илҳомланамиз, бир вақтнинг ўзида ҳам ўтмишга, ҳам келажакка қадам босамиз, ҳаттоки, улар қиёфасида ўз яқинларимиз ва дўстларимизни кўрамиз. Қўғирчоқ ва сопол ҳайкалчаларимда ўзбек халқ эртаклари персонажлари, достон ва эпосларидаги миллий қаҳрамонлар, замонавий келин-куёвлар образларини ифодалашга ҳаракат қиламан. Ўйлайманки, ўзбек халқига хос бағрикенглик, меҳр-оқибат, олижаноблик фазилатлари уйғунлашган ушбу ўйинчоқлар жажжигина фарзандларимизда миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш ва уларнинг ўзлигини англашида алоҳида аҳамият касб этади.

Екатерина ўзининг биринчи қўғирчоғини болалар боғчасида тайёрлаган, мактаб йилларида эса ўйинчоқ ясашнинг ўзига хос услубини мукаммал ўзлаштирди. У қўғирчоқ тайёрлашда мато, металл ва турли синтетик материаллардан фойдаланади. Шунингдек, қимматбаҳо шойидан турли паннолар ҳам яратади.

Екатерина Журавлёва ҳозирда "Ҳунарманд" уюшмасининг Чирчиқ шаҳридаги бўлимига раҳбарлик қилиш билан бирга, бўш вақтида севган машғулоти билан шуғулланиб келмоқда. Сўнгги йилларда у рус, хитой, беларусь миллатларининг кийим-кечаклари намуналарини ҳам маҳорат билан яратмоқда. Бугун у тайёрлаган санъат асарларини Россия, АҚШ, Германия ва бошқа қатор давлатлардаги кўргазмаларда ҳам кўриш мумкин.

Дарвоқе, Екатеринанинг юксак маҳорат билан ишлаган Шарқ халқи қаҳрамонларидан бири Хўжа Насриддин образини ифодаловчи қарийб икки метр баландликдаги қўғирчоқ-экспонати ҳозирда Исроилдаги ресторанлардан бирининг рамзига айланган.

Екатерина ўтган йиллар давомида тажрибали устоз сифатида кўплаб ёшларга бичиш-тикиш ва нақш солиш санъати, миллий чопон, кийим ва пойабзалларни безаш сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

– Ўз ишларим билан одамлар ҳаётига гўзаллик олиб киришга, уларга яхши кайфият улашишга интиламан, – дейди ҳунарманд. – Ижодкор яхши асар ёки маҳсулот яратиши учун ҳам уста безовчи, ҳам дизайнер ва визажист, қўйингки, сартарошлик қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Албатта, аёлларга хос ғайрат ва шижоат, сабр-тоқат ҳам талаб этилади. Ушбу ҳунарни эгалламоқчи бўлган шогирдларимга буни доимо тушунтириб, сингдириб бораман. Зеро, ана шу фазилатлар билангина ўзига хос кўрим ва жозибага эга бўлган санъат асарларини яратиш мумкин.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Нодирбек ТОҲИРОВ олган сурат.*



# МОҲИЯТ ВА ТАРҒИБОТ

*Янгийўл иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежида Тошкент Молия институти билан ҳамкорликда "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг мазмун-моҳияти ва тарғиботига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.*

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

❑ Анжуман

Туман ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, Тошкент Молия институтининг профессор-ўқитувчилари, коллеж маъмурияти ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда "Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг фан ва таълим, ижтимоий-иқтисодий соҳа ривожидаги аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

Тадбирда ҳужжатга мувофиқ, республикамизда кўплаб истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар белгилангани таъкидланиб, улар аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, арзон уй-жойлар барпо этиш каби мақсадли дастурларни амалга ошириш, "Электрон ҳукумат" тизими, таълим, маданият, илм-фан ва бошқа ижтимоий соҳаларни такомиллаштириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга хизмат қилиши айтилди. Ўз навбатида, ҳужжатда кўзда тутилган асосий мақсад-вазифаларни аҳолининг кенг қатламига етказиш, унинг мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш ишларини янада жонлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, хусусан, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, бир сўз билан айтганда, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларга бағишланган маъруза ва чиқишлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Якунда Тошкент Молия институти профессор-ўқитувчилари коллеж маъмуриятига ўқувчиларнинг дарс жараёнида фойдаланиши учун турли тарқатма материаллар ва услубий қўлланмалар тақдим этишди. Шунингдек, "Менинг бизнес ғоям" мавзуидаги танловнинг туман ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган коллежнинг 3-босқич ўқувчилари Муҳаббат Усмонова ва Шаҳноза Рихситиллаева махсус имтиёзга эга сертификат билан тақдирланди.

**Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Янгийўл иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи директори.**

❑ Семинар

*Чиноз туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши "Ёшлар билан ишлаш" бўлими ташаббуси билан ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишга йўналтирилган семинар-тренинг ўтказилди.*

## ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОР ҚИЛАМИЗ

Унда партия фаоллари, ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда партия томонидан "Ватанимизнинг келажаги учун жавобгармиз" шиори остида "Ёш мулкдор – юрт таянчи" ҳамда "Диплом билан бизнесга" лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кўмаклашиш, бу борада учраётган муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш юзасидан белгиланган вазифалар ва кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берилди.

Тадбирда иштирок этган "Ягона дарча" маркази, туман фермерлар уюшмаси, бандликка кўмаклашиш маркази мутахассислари, шунингдек, тижорат банкларининг туман бўлимлари масъул ходимлари тадбиркорлик фаолияти учун давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёз, имконият, тартиб ва қоидалар ҳақида сўз юритишди.

Шу куни маҳаллалардан семинар-тренингга ташриф буюрган 10 нафар йигит-қизнинг бизнес лойиҳаси банк мутахассислари томонидан жойида кўриб чиқилиб, уларга кредитлар ажратиш юзасидан ижобий хулосалар берилди.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ

Шукрки, қишлоқ ва халқ хўжалигида ўз вақтида узоқни кўзлаб амалга оширилган чуқур ва кенг қамровли ислоҳотлар мамлакатни қисқа фурсатда инқироз ботқоғидан олиб чиқишга хизмат қилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, энг аввало, пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди, аграр ишлаб чиқаришни ташкил этишни ўзбек халқининг менталитетига мос ва жаҳоннинг илғор тажрибасига асосланган шакллари – деҳқон ва фермер хўжаликлари тузилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1991 йил 29 ноябрдаги "Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бунда тамал тоши бўлди.

Ўша пайтда биринчи навбатда, озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш бўйича дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Пахта далалари қарийб икки баробарга қисқартирилди, ер ғалла ва озиқ-овқат экини майдонларига берилди. Аҳолига томорқалар, участкалар бериш орқали, миллионлаб одамлар бошпана ва иш билан таъминланди. Йиллар ўтиши билан бу сиёсат ўзини оқлаганини ҳаёт кўрсатди.

Ҳозирги вақтда кутилган даражада ҳосил бермаётган пахта майдонлари ўрнида юқори ҳосилдорлиги ва хавфсизлиги вақт синовидан ўтган интенсив боғлар, токзорлар, полизлар, озиқ-овқат экинлари экиладиган далалар яратилмоқда. Бу жараёнда деҳқончилик ҳудудларининг қайси маҳсулот, сабзавот ва меваларни етиштиришга мослигига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқлардан яна бири – чорвачиликдир. Давлат томонидан чорвадорларга қатор имтиёзлар тақдим этилаётганининг натижасида чорва моллари сони, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил равишда ортиб бораяпти. Чорвачилик фермер хўжаликларини ривожлантириш, наслли қорамоллар подасини кўпайтириш мақсадида кейинги йилларда Польша, Австрия, Голландия, Германия давлатларидан 60 мингдан ортиқ наслли сигирлар келтирилди.

Бошланиши 1-бетда.

Шунингдек, паррандачилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар халқимиз дастурхонига товуқ, ўрдак, курка, бедана гўшти ва тухумларини катта миқдорда етказиб бермоқда. Ҳатто, савдо нуқталарига илгари ўта камёб бўлган туяқуш гўшти ва тухумлари ҳам олиб келинмоқда.

Балиқчилик ҳамюртларимиз ўртасида тез ва кўп ўзлаштирилаётган соҳага айланди. Шу ўринда, 1990 йилда юртимиз аҳолисининг озиқ-овқатга, жумладан, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, импорт ҳисобига қондирилганини таъкидлаш жоиз. Бугун мамлакат аҳолисини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда.

Пахта хом ашё базаси, қолоқ аграр ўлка, деган тамғалардан қутулган Ўзбекистон бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро ташкилотлар, жаҳон ҳамжамияти вакиллари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силва 2014 йилнинг июнь ойида Тошкентдаги халқаро конференцияда шундай деганди: "2000-йилларнинг бошларидан бугунги кунгача Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида улкан тараққиётга эришди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ҳосилдорлик муттасил ошириб келинаётгани бундай ҳайратланарли ютуқларнинг бош омилидир".

Мазкур нуфузли ташкилотнинг 2015 йил июнь ойида Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган 39-конференциясида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришган давлатларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистонга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ютуқлари учун махсус мукофот топширилди.

Озиқ-овқат мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлар доимий тарзда халқаро ташкилот томонидан диққат билан ўрганилмоқда, таҳлил қилинмоқда. Хусусан, мамлакатимизда бу борада самарали ислоҳотлар йўлга қўйилаётганини эътироф қилган АҚШнинг Economist Intelligence Unit компанияси Ўзбекистонни ҳар икки йилда тузиладиган "Дунё давлатларининг озиқ-овқат хавфсизлиги" халқаро рейтингида 64-поғонада қайд этди. Ўзбекистон 2014 йилги рейтингда 73-поғонадан жой олганди.

Дунёда мавжуд 200 дан зиёд давлат орасида ўз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондира олмайдиган мамлакатлар ҳам бор. БМТ маълумотига кўра, бугун элликдан зиёд давлат ўз фуқароларини боқишга қодир эмас. Агар шу фактни инобатга олсак, Ўзбекистон қисқа фурсат ичида озиқ-овқат мустақиллигига эришиб, ҳатто МДҲ бозорларига ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини йилдан-йилга ошириб бораётгани мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юксаклигидан далолат беради.


Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Мутахассислар қарийб ўн йилдан буён давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳар бир мамлакат ҳаётига таъсир ўтказаётганига алоҳида урғу қаратмоқда. Мана шу жараёнда аҳолининг фаровон турмуши, тўкин дастурхонини таъминлаш осон иш эмас, албатта. Бугунги тинч, осуда ҳаётимизда ҳам турмушидан нолийдиган, ўзи истаган барча нарсаларга эришишга баъзан қўли калталик қилаётганига чидай олмаётган айрим кимсалар бозорлардаги нарх-наводан шикоят қилаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Лекин, бир томондан бозорлар расталарида, катта-кичик дўконларда, замонавий маркетларда қишин-ёзин ҳар қандай маҳсулотни топиш мумкин-ку. Тўғри, қимматлари ҳам бор. Уларнинг аксарияти хориждан келтирилаётган ёки нархи мавсумга қараб ўзгарадиган маҳсулотлардир. Инсоф юзасидан ҳаёт учун энг зарур ва бирламчи маҳсулотларнинг нархи ҳали ҳам арзон эканини тан олишимиз шарт. Муҳими, шу эмасми?

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган давлат сиёсати, энг аввало, инсон манфаатларига қаратилган ва бу жараёнда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини халқимиз ҳаётига таъсирини имкон қадар енгиллаштириш, бартараф этишга алоҳида урғу берилмоқда. Қолаверса, минг шукрлар бўлсинким, Ўзбекистон бугунги кунда дунё мамлакатлари азият чекаётган қашшоқлик, террор, уруш, сиёсий ва иқтисодий инқироз, турли эпидемия, табиий офатлар балосидан анча йироқ. Ҳаётимиз осойишта, осмонимиз мусаффо.

Тинч ва барқарор жамиятда кимнинг қай даражада даромад қилиши, турмуш фаровонлиги ва қандай яшаши кўп жиҳатдан одамнинг ўзига боғлиқ. Айниқса, кейинги йилларда аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш учун тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда. Ҳаракат қилган борки, яхшигина даромад ҳам топмоқда.

– Умумий ҳисобда 50 сотих томорқамиз бор, – дейди Бўка туманилик Акромжон Сулаймонов. – Ярмига шолининг "Мустақил" навини экканмиз, қолган қисмида картошка, сабзи, пиёз, бақлажон, булғор қалампири, карам каби рўғорбоп сабзавотлар ва кўкатлар етиштираяпмиз. Истеъмолимиздан ортган маҳсулотларни бозорга олиб чиқамиз. Деҳқончилигимизни янада кенгайтириш бўйича ҳаракатни бошлаб юбордик.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви, қишлоқ хўжалиги мавсумининг ўзига хос хусусиятлари хавфсиз, табиий, фойдали, витаминларга бой серҳосил, сархил мевалар етиштириш имконини беради. Қолаверса, давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланмоқда, деҳқон ва фермер хўжаликларига самарали фаолият олиб боришлари учун амалий ёрдам берилмоқда, кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий асослари мустаҳкамланмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аҳоли турмуш даражасини ошириш, истеъмол бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, мамлакат ҳудудларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини янада ривожлантиришга қаратилган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

*Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш жараёнида пиллачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага илғор агротехника, замонавий технологиялар жорий этилиб, озуқа базаси мустаҳкамланаётгани ҳосилдорликнинг ошишида муҳим омил бўлмоқда.*

Пилла – 2017



Буни Пискент тумани пиллакорлари эришаётган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳудудда пиллачилик бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Жорий йилда 284 та фермер хўжалигида 2 минг 560 қути ипак қурти парваришланиб, 150 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёсини тайёрлаш режалаштирилган.

– Айни кунларда 9 қути ипак қурти парваришлаган "Зоҳиджон Каримов" фермер хўжалиги, 6 қути уруғ парваришлаган "Нурсултон Нуркамол" фермер хўжалиги пиллакорлари ҳар қути уруғдан ўртача 70-80 килограммдан ҳосил олиб, шартнома режасини ортиғи билан бажаришни кўзламоқдалар, – дейди туман пиллахонаси бошлиғи Туроб Беков. – Ўтказилган таҳлиллар "Иброҳимзода Хондамир", "Дадаев Анор", "Эгамқулова Раъно" фермер хўжаликларининг заршунослари ҳам бу йил пиллачиликда юқори самарадорликка эришишга астойдил бел боғлаганликларини кўрсатди. Ўз ўрнида пиллахонамиз томонидан етиштирилган ҳосилни тўхтовсиз қабул қилиб олиш, сифатли сақлаш ва етказиб бериш учун барча зарур чоралар кўрилган.

**Ўз мухбиримиз.**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 3 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Чоршанба – ёнғинлар профилактикаси куни

# ОФАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА АСОСИЙ ОМИЛ

*Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 майдаги "Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан ҳар чоршанба куни мамлакатимизда "Ёнғинлар профилактикаси куни" сифатида белгиланди.*

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасида брифинг ўтказилди. Унда вилоятдаги ёнғин хавфсизлиги идоралари масъул раҳбарлари, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси, донни қайта ишлаш корхоналари, газ, электр тармоқлари ҳамда "Сувоқова" давлат унитар корхонаси вакиллари иштирок этди.



Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур қарорнинг аҳамияти ва мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб, ҳужжатда ёнғин хавфсизлигини барча даражада таъминлашга доир фаолиятни такомиллаштириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига ўзларига қарашли объектлар, ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, қарорда йилнинг ҳар чорагида ёнғинга қарши ҳолат, юз берган катта ёнғинлар сабаблари, уларни келтириб чиқарган шароитларни чуқур ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш каби долзарб масалалар белгилаб берилгани эътироф этилди.

– Мазкур қарор билан ҳокимликлар ҳузурида ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссияларнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди, – дейди вилоят Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Абдуғани Авазов. – Комиссиянинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин содир бўлишига олиб келган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, мазкур йўналишда давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштириш, қишлоқ жойларда, айниқса, олис аҳоли пунктларида кўнгилли ёнғин бўлинмаларини ташкил этишга кўмаклашиш каби вазифалар белгилаб берилди.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари шаҳар ва туманлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб, аҳоли билан мавзуга оид суҳбатлар уюштирдилар. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида асосий эътибор табиий газдан хавфсиз ва самарали фойдаланиш, ис гази билан заҳарланишнинг олдини олишга қаратилди. Вилоят бўйича ўтказилган 38 та ана шундай суҳбатларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги таъкидланди.

Шу куни Чирчиқ шаҳрида кўргазмали ёнғин ўчириш амалий машқлари ҳам ташкил этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Реклама ва эълонлар

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Хўжалик судининг 10 февраль 2011 йилдаги № 11-1133/3461-сонли суд буйруғига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбош ҚФЙ, "Гулбоғ" МФЙ ҳудудида жойлашган, 0001 литерда пиллахона, 0002 литерда омборхона, 0003 литерда қозонхонадан иборат, таъмир талаб ҳолдаги бино-иншоотлар. Кўчмас мулкнинг умумий ер майдони 0,0419 Га, қурилиш ости майдони 301,53 кв.м. Бошланғич баҳоси – 130 900 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 30 июнь куни соат 18.00 гача.

Такрорий аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

I. Қибрай тумани СИБ томонидан, ФИБ Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 22 сентябрдаги 17353-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май ҚФЙ, Бўш телефонист кўчаси, 2-сонли, 2 қаватли нотураржой, яшаш майдони 71,31 кв.м. Бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм. II. Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2016 йил 21 июндаги № 11-1609/6613-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз ҚФЙ, "Гулзоробод" маҳалласида жойлашган устахона биноси. Қурилиш ости майдони 383,76 кв.м. Бошланғич баҳоси – 61 990 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 19 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 16 июнь куни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ.р.: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 649-хона. Тел.: (+99897) 774-35-53. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Хўжалик судининг 10.02.2011 йилдаги № 11-1133/3461-сонли суд буйруғига асосан, "Ниёзбош агро Сервис МТП" МЧЖга тегишли бўлган, Янгийўл тумани, Ниёзбош ҚФЙ, "Маданият" МФЙ ҳудудида жойлашган, 0001 литерда маъмурий бино, 0005 литерда қўшимча бинодан иборат таъмир талаб ҳолдаги бино-иншоотлар қўйилмоқда. Қурилиш ости майдони 40,16 м.кв., умумий ер майдони 0,21 Га. Бошланғич баҳоси – 42 374 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 30 июнь куни соат 16.00 гача.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лдаги МФО 01036, ИНН 207122519, 20208000204920609019 ҳ/р.га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 5-уй. Тел.: (+99893) 686-11-77. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

**"REAL AUKSION" МЧЖ дан тузатиш!**

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2017 йил 3 майдаги № 36 (12984) сонида чоп этилган эълондаги: "Янгийўл тумани СИБ томонидан, Янгийўл тумани ТИФ божхона омборида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 3 599 410 сўм, и/ч. номаълум, дав/рақ. йўқ бўлган, "ГАЗ-322132 (микроавтобус)" русумли; Бошланғич баҳоси – 2 908 085 сўм, и/ч. номаълум, дав/рақ. йўқ бўлган, "ГАЗ-322132 (микроавтобус)" русумли; Бошланғич баҳоси – 3 214 034 сўм, и/ч. номаълум, дав/рақ. йўқ бўлган, "ГАЗ-322132 (микроавтобус)" русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2017 йил 5 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 2 июнь соат 16.00 гача) тўхтатилади." Кейинги ўринларда "Аукцион савдоси 2017 йил 21 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 19 июнь соат 16.00 гача) тўхтатилади.", деб ўқилсин.

Гувоҳнома № 006795.

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 26.01.2017 йилдаги № 797-сонли ижро ҳужжатига асосан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ 1-сонли ИИБда сақланаётган: 2008 йилда и/ч., дав/рақ. 10Р096DA, бошланғич баҳоси – 12 672 000 сўм бўлган "ГАЗ-3302-14" русумли автотранспорт воситаси аукцион савдосига такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 19 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 16 июнь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан № 5957/15-16601/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар "Насаф" жарима майдончасида сақланаётган "Chevrolet Epica" русумли, давлат рақами 10 022DAA бўлган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 44 173 617 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 3 июль куни соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 30 июнь соат 18.00 гача.

Автотранспорт воситаси билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р.: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Телефонлар: 233-49-31, 233-28-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

*"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши томонидан Ўрта Чирчиқ туманида ўтказилган интеллектуал ўйиннинг "Зукко китобхон" деб номланиши бежиз эмас. Негаки, бу ўзига хос тадбир ёшларни миллий қадриятларимизга, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш баробарида уларнинг дунёқараши ва фикрлаш даражасини, интеллектуал салоҳиятини ошириш, китобхонлик маданиятини шакллантириш, ўзбек ва жаҳон адабиётига бўлган меҳр-муҳаббатини тоблашни кўзда тутади.*

Яхши ташаббус

# «Зукко китобхон»



Қизғин баҳс-мунозаралар тусини олган танловда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги умумий ва ўрта-махсус таълим муассасалари, шунингдек, ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари етакчиларидан иборат жамоалар ўзаро рақобатлашишди.

Якунда Бўка туманининг "Бўка ёшлари" жамоаси бошланғич ташкилот етакчиларидан иборат жамоалар ўртасида, қибрайлик ёшлар эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари гуруҳлари ичида ғолибликни қўлга киритишди. Умумтаълим мактаблари жамоалари орасида мезбон туман вакилларининг "Зукко китобхон" жамоасининг билими баланд келди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланишди. Энг муҳими, улар чинакам китобхон ёшлар сифатида эътироф этилдилар. Уларнинг энг катта ютуғи ана шунда.

**Алишер РАҲМАТОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.*

## Рамазон ҳикмати

### Асл мўъжизалар

Биз ҳаётда ҳамиша мўъжиза кутиб яшаймиз. Асл мўъжизалар эса...

Бир мактабда "Дунёнинг етти мўъжизаси" мавзуида дарс ташкил этилди.

Муаллим ўқувчиларига ўзлари билганича "Дунёнинг етти мўъжизаси"ни санаб, ёзиш вазифасини юклади.

Ҳамма дафтарини топширди, фақат бир қизча ҳали ҳам ёзишни тугатмаган эди. Ўқитувчи ундан: "Сенга кўмаклашворайми, қизим?" деб сўради. Қизча: "Дунёда мўъжизалар шунақанги кўплигидан қайси бирини танлашни билмай, кўп ўйландим", деб жавоб берди. Шунда устози: "Қани, танлаганларингни ўқиб бер-чи", деди.

Қизча бирмунча вақт иккиланиб турди-да, сўнг ўқишга киришди:

"Мен учун дунёнинг етти мўъжизаси:

1. *Кўриш*
2. *Эшитиш*
3. *Гапириш*
4. *Ҳаракатланиш*
5. *Ҳис қилиш*
6. *Кулиш*
7. *Яхши кўриш*".

Бутун синфга сукунат чўкди.

**Н. ТОҲИРОВ тайёрлади.**

# МИНГ АСРЛАР ИЧРА ПИНҲОН ТАРИХ

*Одатда, Тошкент фотосуратлар уйида ташкил этиладиган кўргазма заллари томошабинлар билан доимо гавжум бўлади. Якунланаётган ҳафтада очилиш маросими ўтказилган навбатдаги кўргазма эса, ҳар қачонгиданда кўп томошабинлар эътиборини жалб этмоқда.*

Кўргазма

Бу бежиз эмас. Таниқли рангтасвирчи рассом, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳимжон Ризамуҳамедовнинг узоқ йиллар давомида турли мавзу ва жанрларда яратган 80 га яқин асарлари экспозицияга қўйилган. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент фотосуратлар уйи томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб "Тарихингдир минг асрлар..." шиори остида ташкил этилган кўргазмадан жой олган аксарият расмлар санъат ихлосмандларига юртимизнинг ўтмиши, буюк аждодларимиз ва элга танилган замондошларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлайди.

Рассом тарихий асарлар яратишни астойдил мақсад қилиб, юртимизнинг кўп асрлик тарихини ўрганди. Мазкур изланишлар жараёнида унга омад ҳам кулиб боқди. П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида ўқиб юрган кезлариёқ жаҳонга таниқли рассом Чингиз Аҳмаровнинг назарига тушди ва яқиндан танишди. Устознинг кўрсатмалари, йўл-йўриқлари, шунингдек, забардаст рангтасвирчи рассом Раҳим Аҳмедов устахонасида таҳсил олгани унинг етук рассом бўлиб танилишида мустаҳкам замин вазифасини ўтади. Бугунги кунда Раҳимжон Ризамуҳамедовнинг маҳорат билан чизилган "Устоз Абдулҳақ Абдуллаев", "Бойсунлик аёл", "Ойнинг тутилиши", "Беруний ва Ибн Сино кўҳна Урганчда", "Алишер Навоий", "Таваллo", "Амир Темур Самарқандда халқ усталари орасида", "Муқанна қўзғолони" каби қатор асарлари Ўзбекистон Давлат санъат, тарих, адабиёт, Темурийлар тарихи музейлари ҳамда хорижий давлатлардаги шахсий тўпламларда сақланмоқда.

Муаллифнинг тарихий шахслар портрети, манзара ва натюрморт жанрларида самарали ижод қилгани "Эски шаҳар кўриниши", "Қишлоқ манзараси", "Ойдин кеча", "Юртим неъматлари" каби гўзал асарларида яққол намоён бўлган.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Саломат бўлинг

*Баркамол авлод деганда, энг аввало, ҳар томонлама соғлом ўғил-қизлар камолини кўзда тутамиз. Фарзандларимизнинг келгусидаги саломатлиги уларни болаликданоқ турли касалликлардан ҳимоя қилишимизга чамбарчас боғлиқ.*

# СОҒЛОМ КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Маълумки, бутун дунёда кичкинтойлар орасида кўп тарқаладиган касалликлар сирасига вирусли гепатит ҳам киради. Юртимизда ушбу вирус тарқалишининг олдини олишга қаратилган изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилмоқда. Лекин, бу борада барча масъулиятни фақат давлат муассасалари ҳамда тиббиёт ходимлари зиммасига юклаш кутилган самарани бермайди. Демоқчимизки, вирусли гепатит, айниқса, унинг А тури ҳақида ота-оналар етарлича маълумотга эга бўлишлари ва айрим тартиб-қоидаларга риоя этишлари касалликнинг олдини олишда ғоят муҳимдир.

Вирусли гепатит – юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилиш аломатлари билан кечади. Хусусан, гепатит А болаларда кўпроқ учрайди. Касаллик манбаи бемор одам ҳисобланади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув орқали ҳам организмга тушади.

Хасталик бемор билан яқин мулоқотда бўлиш натижасида, яъни у ишлатган идиш-товоқлар, ўйинчоқлар, сочиқ-чойшаблар, кўрпа-тўшаклардан фойдаланиш, шунингдек, ифлосланган қўл орқали юқади. Гепатит А вирусининг инсон организмидаги яширин даври 7 кундан 7 ҳафтагача давом этади. Касаллик белгилари юзага чиқмасдан аввал беморда ҳолсизлик, чарчаш, тананинг ўта бўшашиб кетиш ҳолатлари намоён бўлади.

Касаллик икки хил кўринишда бошланади. Биринчи аломатларда шамоллаш, гриппга жуда ўхшаб кетади. Беморнинг эти увишиб қалтирайди, ҳарорати 38 даражага чиқади, боши оғрийди, аъзойи бадани қақшайди, бурни битиб, томоғи оғрийди, озгина йўталади, мадори қуриб, иштаҳаси бўғилади. Бир неча кун ўтгач, секин-аста кўзлари ва бадани сарғая бошлайди.

Бошланғич даврнинг иккинчи хили ҳам тезда ривожланиб, ошқозон-ичак тизимининг бузилиш аломатлари билан кечади. Беморнинг кўнгли айнаб қусади, ошқозон соҳасида озгина оғриқ бўлади. Ўнг қовурға остида оғирлик сезилади, мадори қуриб, беҳоллик кучая боради, иштаҳаси йўқолади. Беморнинг кўзи ва бадани сарғайишидан бир неча кун олдин пешоби тўқ сариқ тус олади.

Мазкур касалликнинг олдини олиш учун сифати бузилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, кўкатлар, сабзавот ва меваларни дастурхонга тортишдан аввал яхшилаб ювиш, тирноқларни ўз вақтида олиб туриш, овқатланишдан олдин қўлларни, албатта, совунлаб ювиш керак. Ариқ ва очиқ ҳавзалардаги сувларни ичмаслик, зовур ва каналларда чўмилмаслик, сувни фақат қайнатилган ҳолда истеъмол қилиш зарур.

Эътибор қаратиш шарт бўлган яна бир муҳим жиҳат шундаки, гепатит А касаллигининг олдини олишдаги энг яхши самарали усул эмлашдир. Вирусли гепатит А га қарши эмлаш миллий эмлаш календарига киритилмаганлиги сабабли бу жараён ота-оналар ҳисобидан амалга оширилади. Эмлаш болалар соғлиғи учун хавфсиз ҳисобланиб, 97-98 фоиз самара беради ва 15-20 йилгача одамда иммунитет таранглиги сақланиб қолади. Эмлаш 18 ойликдан катта ёшдагиларга тавсия қилинади.

Айни вақтда мактабгача таълим муассасаларига янги қабул қилинаётган кичкинтойларни вирусли гепатит А га қарши эмлаш касалликнинг олдини олишдаги муҳим тадбирлардан биридир. Чунки, боғча ва мактабларда болалар бир-бирлари билан ўйинчоқ, ручка, қалам, дафтар, китоблар алмашадилар, синф эшигининг тутқичи каби воситалардан умумий тарзда фойдаланадилар.

**Б. ОЧИЛОВ,**
**вилоят ДСЭНМ эпидемиология бўлими мудири.**

Спорт

# ҒУРУР БИЛАН ЭСЛАЙМИЗ

*Ўрта Чирчиқ туманидаги спорт мактабида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бағишлаб, ўзбек жанг санъати бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида вилоят очиқ чемпионати бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон жанг санъати федерацияси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси томонидан ташкил этилган мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан соҳа ходимлари Биринчи Президентимизнинг порлоқ хотирасига ҳурмат ва эҳтиром билдириб, юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама билимли ва юксак маънавиятли қилиб вояга етказиш йўлидаги буюк ишларини алоҳида таъкидлашди.

Турнирда мамлакатимизниг барча вилоятларидан келган маҳоратли, ёш полвонлар миллий спортимизга бўлган эҳтиромларини кўргазмали чиқишлар орқали намойиш этди. Якунда ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**М. ТЎХТАЖОНОВА,**
**вилоят ўзбек жанг санъати федерацияси бош котиби.**

*Зангиота туманидаги "Ўктам" ёшлар спорт комплексида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан эркин ва юнон-рум кураши бўйича умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида "Халқ таълими бошқармаси соврини учун" турнири бўлиб ўтди.*

# «...ЧОРЛАР КУРАШГА МАЙДОН»



Беллашувларда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги спорт мактабларидан 2003-2007 йилларда туғилган спортчилар иштирок этди. Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда 32 дан 59 килограммгача бўлган вазн тоифасида ғолиблар аниқланди. Умумжамоа ҳисобида Зангиота тумани курашчилари биринчи, олмалиқлик ёш полвонлар иккинчи ва Пискент тумани курашчилари учинчи ўринни эгаллади.

– Ёзги таътилда болаларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун бу каби мусобақаларни кўпайтиришни мақсад қилганмиз, – дейди вилоят эркин, юнон-рум ва аёллар кураши федерацияси раиси Ғулом Умаров. – Мазкур мусобақада иштирок этаётган Зангиота туманидаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ҳам ёзги таътилда мунтазам равишда машғулотларга жалб қилиниши таъминланмоқда.

Беллашувлар якунига кўра, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олган курашчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Қилмиш-қидирмиш

**Ёшларимизнинг билим ва қобилиятларини юзага чиқаришлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, ҳар кимнинг ҳаваси келади. Ёшларимиз ҳам бу имкониятлардан оқилона фойдаланмоқдалар. Аммо, афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида тўқликка шўхлик қилаётганлари ҳам учраб туради.**

# «А» ОПЕРАЦИЯСИ



Сўнгги пайтларда фирибгарлар жинояти ҳақида кўп гапирилмоқда. Мақсад – юртдошларимизни бундай ҳийлагарлардан огоҳ этиш, фирибгар кимсаларга эса жазо муқаррарлигини эслатиб ўтишдир. Зеро, бугунги кунда энг кўп учраётган жиноят фирибгарликдир. Хусусан, автосалонлардан навбатсиз автомашина олиб бериш, қарз олди-бердиси, олий ўқув юртларига киритиш, кредит масаласи, ишга жойлаштириш, пластик карточкадаги пулларни нақдлаштириш, хорижий давлатларга ишга юбориш, уй-жой олди-сотдиси, ҳадя, мерос ва бошқа битимлар, давлат идораларида хизмат қилишига оид сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, текширув ўтказмаслик эвазига пул ундириш каби фирибгарликлар кучайиб кетди.

Рустам ва Искандар (исм-шарифлар ўзгартирилди) бир маҳаллада вояга етишди. Бир мактаб, бир коллежда ўқишди, ҳарбий хизматга ҳам олдинма-кетин бориб келишди. Искандар дурустроқ иш тополмай, отасининг эски "Жигули"сида киракашлик қила бошлади. Рустам эса тоғаларининг ёрдами билан Россияга ишлагани кетди. Аммо, ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермайдиган Рустамнинг ўзга юртда ҳам иши юришмади. Бир йил ўтмай, қайтиб келди. Ёз кунларининг бирида икки ошна кўчада учрашиб қолишди.

– Э, оғайни, – деди Искандар, – кел, учрашганимизни бир ювайлик. Чойхона паловни соғиндим!

– Гап йўқ, – деди Рустам ҳам. – "Бизнес-режа"ларим бор, ош устида гаплашиб оламиз. Сен каби яқинларим ёрдам берса, Россияга каттароқ "соққа" қилгани бирга кетардик. Юрасанми бу ерда эски аравани судраб...

Шу куни икки ўртоқ чойхонада роса кайфу сафо қилишди.

– Қисқаси, дўстим, "Абитуриент" операциясини ўтказамиз, – деди Рустам. – Яъни, "А" операцияси! Бугун ким кўп – пулини белига тугиб, боласини ўқишга киритиб қўядиган одамни излаб юрган кўп.

– Ҳозир "тест" деган нарса чиқиб, ўқишга жойлаштиришга домлаларниям тиши ўтмаяпти-ку, – эътироз билдирди Искандар.

– Э, соддасан-да, ошна! – деди Рустам. – "Пул бўлса, чангалда шўрва", дейдилар. Сен боласини ўқитиш ниятида юрган мижозларни топиб берда, "долянгни" олавер, бошқаси билан ишинг бўлмасин.

Шундай қилиб, 2016 йил ёзда бу икки ошна содда ота-оналар "ови"ни бошлаб юборишди. Учрашув педагогика олий ўқув юрти яқинидаги кафенинг алоҳида хонасида ўтарди. Қишлоқдан келган оталар ўзини "шу олий илмгоҳда техник ходим бўлиб ишлайман", деб таништирган Рустам ва унинг ҳамтовоғи Искандарга шу кафеда зиёфат бериб, "олди-берди"ни келишиб олишарди. Рустам "тўрга" тушган мижозга ўзининг "техник ходим" экани ҳақидаги сохта ҳужжатини, паспортини кўрсатиб, қўл телефони рақамларигача берарди. Уларни обдон ишонтириш учун ота-онага кунда-кунаро қўнғироқ қилиб, "жараён" қандай кетаётгани ҳақида ҳисобот бериб турарди.

– Дўстим, ишимиз зўр, – деди у шеригига. – Лақмалардан икки ойда йиққанимиз бир машинага етадиган бўпти. Агар ҳеч бўлмаса икки абитуриент ўқишга ўз кучи билан кириб олса ҳам марра бизники. Ўқишга биз жойлаштирдик, деб келишилган пулнинг қолганини ҳам оламиз! Киролмаганларининг пулини шу ҳисобидан қайтариб берармиз...

Аммо, икки мижоз фирибгарнинг "ўйинини" сезиб қолиб, пулларини қайтаришни талаб қилишди ва ололмагач, ҳуқуқ-тартибот идорасига ариза беришди. Тез орада "уддабурон"лар суднинг қора курсисидан жой олишди. Уларга суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим содда одамлар йиллаб жамғарган пулларини ҳеч ўйламай, товламачига қўшқўллаб топшириб юбориб, кейин дод солишаяпти. Пули, мол-мулки, уй-жойларидан ажраб қолганларидан сўнг бирдан кўзлари очилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишаяпти.

Ҳозирги давр ҳар бир фуқародан ҳушёр ва сергак бўлишни талаб этади. Юқоридаги воқеа ҳар биримизга жиддий сабоқ бўлиши лозим.

**Бахтиёр РАҲМАТОВ,**
**ИИВ Академияси тингловчиси.**

O`zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши Бекобод тумани ҳокими Туробжон Жўраевга волидаи муҳтарамаси

**ЗИЁДА** аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Масъул котиб: | 233-79-96 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Холмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9165. Адади 12 926. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 19.15.